



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 21 декабрь, № 264 (7222)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



АДОЛАТЛИ ВА РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ СОЛИҚ ТИЗИМИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 20 декабрь куни янги қабул қилинган солиқ сиёсати концепциясини амалиётга тўлиқ татбиқ қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Очиқ-ошкора ва адолатли солиқ тизими иқтисодий ривожнинг энг муҳим асосидир. Лекин юртимизда ҳозиргача амал қилиб кели-наётган солиқ маъмуриятчилигида кўплаб но-аниқликлар борлиги бизнес, тадбиркорлик, инвестиция соҳалари рағбатига тўсиқ бўлаёт-ган эди. Мавжуд ставкаларнинг юқорилиги ин-софли солиқ тўловчиларга қарши ишларди.

Мисол учун, корхона фойдасидан қатъи на-зар, товар айланмасидан 3,2 фоиз микдорида давлат мақсадли жамғармаларига ажратма тўлаб келинган. Бу солиқ юки корхона даро-мадининг камиди 21 фоизгача тенг бўлиб, улар-нинг рақобатбардош ва экспортбон маҳсулот-лар ишлаб чиқаришига халал беради.

Бу каби муаммоларни бартараф этиш, солиқ юкини камайтириш ва чинакам бозор иқтисо-дийтини ривожлантириш мақсадида давлати-миз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомил-лаштириш концепцияси ишлаб чиқилди.

Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар экспертларини жалб қилган ҳолда, ривожланган давлатлар тажри-баси асосида қабул қилинган ушбу концепция-да бизнес учун жуда катта имкониятлар, халқ-аро даражадаги қулай шaroитлар назарда тутилган. Хусусан, солиқ турлари келаси йил-дан 19 тадан 15 тагача қисқармоқда. Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи став-каси 14 фоиздан 12 фоизгача, дивидендлар ва фойзалар қўрғинидаги даромадлар бўйич-а фойда солиғи ставкаси 10 фоиздан 5 фо-изгача пасайтирилди.

Яна бир муҳим жиҳати, энди солиқ ставк-алари аввалгига ўхшаб кескин ўзгарувчан бўлмайдди. Бу инвесторларга узоқ муддатли бизнес лойиҳаларини режалаштиришда қийинчилик туғдирмайдди.

Янги солиқ концепциясида юқорида қайд этилган товар айланмасидан ажратма тўлаш тартиби ҳам бекор қилинмоқда. Бунинг нати-жасида йирик корхоналар ўз ихтиёрида 5 трил-

лион сўмдан ортик маблағни сақлаб қолади. Шу каби енгилликлар туфайли Халқаро валюта жамғармаси солиқ тизимининг ислоҳ этилишини Ўзбекистоннинг энг катта ютуқла-ридан бири, деб эътироф этди.

Бир сўз билан айтганда, солиқ маъмурият-чилигида янги тизим яратилди. Навбатдаги ва-зифа уни амалиётга тўлиқ татбиқ қилишдир.

Видеоселектор йиғилишида бу тизимни оқилона йўлга қўйиш учун амалга оширилади-ган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

2019 йил 1 январдан бошлаб, ходимлар со-нидан қатъи назар, товар айланмаси 1 милли-ард сўмдан юқори бўлган субъектлар умум-белгиланган солиқ тўловига ўтади.

Шу ўринда нима учун умумбелгиланган солиқ тўловчилари сонини кўпайтиришга қарор қилинди, деган табиий савол туғилади. Чунки ягона солиқ тўловчи билан умумбелгиланган солиқ тўловчилар ўртасида солиқ юкидаги фарқ халдан ташқари юқори бўлиб, бу кичик бизнеснинг йириклашувини рағбатлантирмай-ди. Ваҳолонки, дунёга машҳур “Адидас”, “Найк”, “Индезит”, “Кнауф” каби брендлар ўз вақтида кичик оилавий корхона бўлган ва ушбу рағбат туфайли йирик компанияларга айланган.

Шулар ҳақида фикр юритар экан,

Президентимиз Ўзбекистонда қачон шун-дай йирик брендлар пайдо бўлади, дея савол қўйди.

Умумбелгиланган солиқларни ҳисоблаш бўйича худудий солиқ органлари ходимлари-нинг малакаси ва амалий ўникмаларини оши-риш, тадбиркорлик субъектлари бухгалтерла-рини бунга тайёрлаш кераклиги таъкидланди.

Солиқ органлари ходимларини бириктириб, умумбелгиланган солиқ тўловига ўтаётган кор-хоналарда тушунтириш олиб бориш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича топшириқ бе-рилди. Йирик акциядорлик жамиятлари ва ҳўжалик биришмалари Давлат солиқ қўмита-си мутахассислари билан биргаликда ўз та-сарруфидаги корхоналарнинг масул ходим-

лари учун семинар-тренинглар ўтказиши зарурлиги қайд этилди.

— Умумбелгиланган солиқ ҳисобланиши ва юритилишида энг мураккаб тўлов тури, бу — қўшимча қиймат солиғидир, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бу борада енгиллик яратиш учун уни икки йил мобайнида босқичма-босқич жорий этишни режалаштирганимиз.

Жумладан, товар айланмаси 1 миллиард сўмдан 3 миллиард сўмгача бўлган корхона-лар қўшимча қиймат солиғини ихтиёрий ра-вишда соддалаштирилган тартибда тўлайди. Ўрни корхоналар сотиб олинган товарлар бўйича алоҳида ҳисоб-фактура юритмайди ва солиқни товар айланмасидан келиб чиқиб, со-ҳалар кесимида табақалашган ҳолда тўлайди.

Йиғилишда бу ишларни тўри ташкил этиш учун замонавий ахборот технологияларини жо-рий этиш, юридик шахсларни зарур компью-тер дастурлари билан таъминлаш, ҳисобчи-лар тайёрлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Солиқ тўловчилар юзага келадиган барча тушунмовчиликларга жавоб топиши учун “Савол ва жавоб” интернет саҳифасини ҳамда туну кун ишлайдиган “Колл центр”лар фаоли-ятини йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари қўшимча қиймат солиғи кичик бизнесга ҳам жорий этилиши натижасида нарх-наво ошиб кетишининг ол-дини олиш масаласига алоҳида эътибор қарат-ди. Мутасаддиларга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган ҳар бир жараёнда ярати-лаётган қўшимча қийматга солиқларни жорий этиш орқали нархни тўғри шакллантириш, унинг асосииз равишда ошиб кетмаслигини таъминлаш бўйича топшириқлар берди.

Янги солиқ тизимида норасмий фаолиятни легализация қилиш бўйича бир қатор янги-ликлар киритилди. Жумладан, фойда солиғи 14 фоиздан 12 фоизга туширилиб, тадбиркор фақат даромад олсагина тўланиши белгилан-ди. Норасмий бандликни камайтириш мақса-дида иш ҳақидан 30 фоизгача олиннадиган да-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ЭКСПОРТГА КЎМАКЛАШИШ ВА УНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жорий йил мобайнида мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий соҳасида ташқи савдо ҳажми ва экспортни тизимли равишда жадал оширишга қаратилган таркибий ўзгаришлар амалга оширилди, хусусан, валюта сиёсати либераллаштирилди, маъмурий тўсиқлар бартараф этилди, экспорт қилинадиган мева-сабзавот маҳсулотлари учун нархларни шакллантириш ва ўловнинг бозор механизми жорий қилинди.

Товарлар (ишлар, хизматлар)ни, шу жумладан, коммиссионер (ишончли вакил) орқали реализация қилишдан тушган умумий тушумида экспорт улуши 15 фоиздан юқори бўлган юридик шахсларга юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани камайтириш имконияти берилди.

Шу билан бирга, амалга оширилаётган тадбирларнинг самарадорлиги устидан мунтазам равишда олиб борилаётган мониторинг ташқи савдо ва экспортнинг умумий ижобий динамикасига қарамасдан улар ҳажмларининг реал ўсиш суръатлари иқтисодийни модернизация қилиш суръатларига мувофиқ эмаслигини кўрсатмоқда.

Биринчи навбатда, рақобатбардош афзалликларга эга бўлган тармоқларда бир қатор тизимли муаммолар ва камчиликларнинг сақланиб қолаётганлиги экспорт ҳажмларининг салмоқли ўсишини таъминлашга тўқсинлик қилмоқда. Жумладан:

(Давоми 2-бетда).



Эътироф

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ — ОСИЁНИНГ ЙИЛ ОДАМИ

**Штаб квартираси Сеулда жойлашган
Осиё журналистлари ассоциацияси (ОЖА)
Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни
«2018 йил одами» деб эълон қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари сиёсий йўналиш бўйича голиб, деб эъти-роф этилди. Ассоциация вакилла-ри таъкидлаганидек, Шавкат Мирзиёев 2016 йил декабрда Ўзбекистон Президентини лавозими-га киришганидан то ҳозирги вақт-гача инсон ҳуқуқларини таъмин-лаш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, очик сиёсат юри-тиш, шу жумладан, сиёсий маҳ-бۇсларни озод этишда юксак на-тижа кўрсатиб келяпти. “The Korea Times” хабарига кўра, Ўзбекистон раҳбари қўшни давлатлар билан фаол ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган ҳолда, Марказий Осиё-

да тинчлик-тотувликни асрашга катта ҳисса қўшмоқда. Бошқа йўналишлар бўйича “LG Group” фахрий раиси Ку Бон Му, мисрлик таниқли кардиологпроф Маҳди Ҳабиб Ёқуб, футбол бўйи-ча Вьетнам терма жамоаси мураб-бийи Пак Хан Со қайд этилди. Голиблар номлари махсус ҳакамлар томонидан минтақанинг ҳар бир давлати вакиллари ва ас-социация аъзолари тавсиялари ҳамда баҳоларида сўнг аниқлан-ди. Хабар берилишича, тақдирлаш маросими 2019 йилнинг баҳори-да ассоциация бош ассамблеяси-да бўлиб ўтиши кутилмоқда.

З. АШУРОВА тайёрлади.

Муносабат

Дунё тан олаётган ташаббус



**Нуриймон АБУЛҲАСАН,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари
бўйича қўмита раиси ўринбосари:**

— Президентимиз 2017 йил 19 сентябрда Бирлашган Миллат-лар Ташкилоти Бош Ассамблеяси-нинг 72-сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюция қабул қилиш та-шаббуси билан чиққани жаҳон ҳам-жамиятининг диққатини тортган эди. Мазкур ҳужжат барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, савод-сизлик ва жаҳолатга барҳам бериш-га кўмаклашиш, энг муҳими, бағри-

кенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинлиқни таъ-минлашга қаратилгани билан эъти-борга молиқдир.

Мазкур глобал ташаббус янгра-ганига бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Шу муддат ичида унинг не-чоғлиқ долзарб экани, барча дав-латлар истикболи учун нақадар му-ҳим аҳамият касб этишини бутун дунё аҳли теран англаб етди. Нати-жада жорий йилнинг 12 декабрь

Ҳадемай, Янги йил кириб келади. Ушбу айёмни оила, ёру дўстлар даврасида, файзли дастурхон атрофида қарши олишга нима етсин?! Шу боис юртдошларимиз аynи пайтда байрам дастурхони учун зарур маҳсулотлар сотиб олишдан бўлишяпти. Бунда ҳўжалар бозорлари ва аҳоли гавжум жойларда ташкил этилаётган қишлоқ дўхалиғи ҳамда озик-овқат маҳсулотларининг байрамолди савдо-ярмаркалари уларга қўшимча қулайлик яратмоқда.



Ярмарка

Хусусан, “Ўзбекиози-ковқатхолдинг” холдинг компанияси томонидан пойтахтимиздаги 12 та бозорда шундай ярмар-калар фаолияти йўлга қўйилди. Уларда хол-динг таркибига кирувчи

30 дан ортик корхона-лар ўз маҳсулотларини тақлиф этмоқда. Ярмар-калар расталаридан Тошкент шаҳри, Тош-кент, Самарқанд, Хо-разм, Фарғона вилоят-ларида ишлаб чиқарил-

ган қандолат, сут ва гўшт маҳсулотлари, қайта иш-ланган мева-сабзавот-лар, салқин ичимликлар, жами 600 дан зиёд тур-даги муҳим ноз-неъмат-лар ўрин олган.



Маданий мерос объектларига оид қонун ҳужжатлари ижроси қониқарлими?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б. Сайфуллаевнинг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси ҳақидаги ахборотига оид парламент эшитув итказилди.

Парламент эшитуви

Харакатлар стратегиясида ма-даний-маърифий ташкилотлар ва музейлар фаолиятини ривожлан-тириш ҳамда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базаси-ни мустаҳкамлаш устувор йўналиш сифатида белгиланган. Давлати-миз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам маданий мерос объектларини ишончли қўриқлаш ва улардан оқилона фойдаланиш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, Президентимизнинг 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Респуб-ликасида миллий маданиятни яна-да ривожлантириш концепцияси-ни тасдиқлаш тўғрисида”-ги қаро-рида тарихий ва маданий мерос-ни сақлаш ҳамда уни ёш авлод тарбиясида кенг қўллаш концеп-

циянинг асосий вазифаларидан бири сифатида мустаҳкамланган. Бундан ташқари, маданий мерос муҳофазасини таъминлашга оид 5 та қонун, 40 дан ортик қонун-ости ҳужжатлари, шундан 20 таси айнан 2017-2018 йиллар орали-мида қабул қилинди. Ўзбекистон томонидан ЮНЕСКОнинг соҳага оид 4 та Конвенцияси ратифика-ция қилинди.

Парламент эшитувида мадани-ят вазири тақдим этган маълумот-га кўра, мамлакатимизда 7476 та моддий маданий, 107 та номод-дий маданий мерос объекти мав-жуд. Музейларда 2,5 миллиондан зиёд экспонат ва коллекциялар, архивларда маданий мерос объектлари бўлган миллионлаб ҳужжатлар сақланмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЭКСПОРТГА КЎМАКЛАШИШ ВА УНИ РАВБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1 (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

биринчидан, ишлаб чиқариш қувватларидан ва кенг турдаги хом ашё, шунингдек, меҳнат ресурслари мавжуд бўлган ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминловчи афзалликлардан тўлиқ ҳажмда фойдаланилмаяпти;

иккинчидан, экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш воситалари ривожланмаяпти, экспортдоли ва экспортни молиялаштириш механизмлари мавжуд эмас;

учинчидан, чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, узок мuddатли барқарор ташқи бозорларни шакллантириш ва хорижда ташқи савдо инфратузилмасини яратишга етарли даражада эътибор қаратилмаяпти;

тўртинчидан, ҳар хил хизмат турлари экспортини ташкил қилиш ва илгари суриш бўйича тизимли ишлар мавжуд эмас, уларни кўрсатиш учун зарур инфратузилма ривожланмаган.

Товарлар ва хизматлар экспорт қилишнинг тубдан ошириш, экспортбop маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш, ташқи савдо мувозанатини таъминлаш ва валюта тушуmlарини кўпайтириш мақсадида:

1. Тадбиркорлик субъектларига қуйидагиларда ҳар томонлама кўмаклашиш Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, вазирликлар, идоралар, ҳўҳалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

юқори қўшилган қийматга эга экспортбop рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, хизматлар (туристик, тиббий, таълим, транспорт, қурилиш ва бошқалар) экспорт қилишнинг кескин ошириш ҳамда уларни кўрсатиш учун тегишли инфратузилмани жадал барпо этиш;

ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб беришда ҳамкорларни излаш ҳамда ташкилотлар ва корхоналар билан шартномалар тузиш.

2. Ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Марказий банкнинг **Экспортни қўллаб-қувватлаш миллий тизимини** ташкил этиш ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагиларни белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

Маданий мерос
объектларига оид
қонун ҳужжатлари
ижроси қониқарлими?

1➡ Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарларининг тари-

хий марказлари ЮНЕСКО-нинг Бутунжаҳон маданий мероси объектлари рўйхати-га, Шашмақом, Наврўз, Бой-сун маданий муҳити, Аския, Катта ашула, Палов мадания-ти ва анъанаси, Марғилон ҳўнармандчилик мактабининг атлас ва адрас тўйиш техно-логияси каби номоддий ма-даний мерос намуналарини ЮНЕСКОнинг Инсоният но-моддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига ки-риптилган. Шунингдек, Усмон Кўрўони, Абу Райҳон Бе-руний номидаги Шарқшунос-лик институтининг кўлўзма-лар тўплами, Хива хонлиги канцелярияси ҳужжатлари «Жаҳон хотираси» дастури-дан жой олган. Яна бир му-ҳим жиҳат шўки, мамлаката-миздаги 180 дан ортўқ халқ-аро сайёҳлик йўналишлари-нинг 140 дан зиёди айнан тарихий-маданий мерос объектлари билан боғлиқ.

Шу боис моддий маданий мерос объектларини таъмир-лаш ва реставрация қилиш ишлари учун кейинги йиллар-да республика бюджетидан ажратилаётган маблағлар се-зиларли даражада оширил-ди. Жўмладан, «Миллий тик-ланиш» ДП фракцияси та-шаббуси билан 2018 йилда 46 миллиард 569 миллион сўм ажратилган бўлса, 2019 — 2021 йилларга мўлжаллан-ган Бюджетнамда 2019 йилда 67 миллиард сўм маблаг йўналтирилиши бел-гиланди. Шу билан бирга, фракция таклифга кўра, ма-ҳаллий бюджетлар ҳисобидан ҳам алоҳида маблағлар йўнал-тирилиши кўзда тутилмоқда.

Ўз навбатида, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» ДП, унинг Қонунчилик палатаси-даги фракцияси ҳамда халқ депутатлари ҳудудий ва ма-ҳаллий Кенгашлари депутат-лари томонидан парламент эшитувига тайёргарлик дои-расидаги ўрганишлар нати-жасида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш амалиёти ҳамда соҳани ҳўқуқий тартибга солишда бир қатор муаммолар мав-жудлиги аниқланди.

Эшитув давомида келти-риб ўтилганидек, ҳозирги кўнга қадар «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдала-ниш тўғрисида»-ги Қонунда назарда тутилган вазифа — маданий мерос объектлари-дан фойдаланиш, уларни сақлаш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш, уларнинг ҳудудларидан фойдаланиш, тарихий-маданий қўриқхона-лар, музей-қўриқхоналар ва тарихий масканларни ташкил этиш, сақлаш режимларини белгилловчи қонуний механиз-

лари белгиланмаган ва қабул қилинмаган.

Мамлакатимиз Президенти-нинг 2018 йил 16 январдаги «Моддий маданий ва архе-ология мероси объектлари-ни муҳофаза қилиш ва улар-дан фойдаланишни тақомил-лаштириш тўғрисида»-ги фармойиши билан 2018 йил 1 майга қадар моддий маданий ва археология ме-роси объектларини хатлов-дан ўтказиш, хатлов натижа-лари бўйича объектлар тўғрисида батафсил маълў-мотларни ўз ичига олган ва доимий янгиланиб борувчи ягона электрон маълумотлар базаси яратиш белгиланган бўлса-да, бироқ амалда тўлиқ баҳарилмаган.

Моддий маданий мерос объектларига қонунқўний эга-лик қилиш, фойдаланиш ҳамда уларга зарар етказиш ҳолатларига чек қўйилмаяп-ти. Ўрганишларда 259 та объектга жиддий зарар ет-казилгани аниқланган. Мод-дий маданий мерос объект-ларининг атғи 2608 таси-нинг (34,14 фоиз) кадастр ҳўжжатлари мавжуд, 2232 тасига (29,5 фоиз) муҳофаза белгилари ўрнатилган, холос. Обидаларнинг аксарияти таъ-мирталаб аҳволга келиб қол-ган, уларнинг сайёҳлик сало-ҳиятидан самарали фойдала-ниш талаб даражасида эмас.

Моддий маданий мерос объектларининг муҳофаза ҳудудларидан талаб ва меъ-ёрларга зид равишда қури-лиш ишларини олиб бориш ҳолатлари ҳам учраб туриб-ди. Аксарият жойларда ўз касбининг эгалари — архе-олог, меъмор, санъатшунос-лар ишмаяпти, моддий ма-даний ва археология мероси объектларининг ягона элек-трон маълумотлар базасини яратиш ишлари якунланма-ган. Бўндай объектларни ижарага бериш тизими тақо-миллаштирилмаган. Мас-алан, Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги «Сайид Оталик» мадрасаси (XVII аср) ижарага берилган бўлиб, ҳозир мадраса хоналаридан оморбхона сифатида фойда-ланилмоқда.

Муҳокама чоғида баён этилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палата-си маданият вазирининг «Ма-даний мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси ҳақида-да ахборотини маълумот учун қабул қилди.

Парламент эшитuvi якуни юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарори қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Матбуот хизмати.**

а) экспорт фаолиятига ахборот-таҳлилий кўмаклашиш бўйича:

экспортни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат сиёсатини тақомиллаштириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини амалга оширишда кўмаклашиш;

маркетинг, нарх шаклланиши, транспорт логистикаси, сертификатлаш, стандартлаштириш ва сифат назорати, солиқ ҳамда божхона маъмуриятчилиги (шу жўмладан, хориждаги) масалалари, “ягона дарча” тамойили асосида ташқи бозорларга кириш шартлолари бўйича экспорт қилувчиларга ва уларнинг чет элдаги ҳамкорларига ахборот ва маслаҳат кўмагини кўрсатиш;

хорижий харидорни излашга ва экспорт шартномасини тузишга қадар музокаралар жараёнига, шу жўмладан, уларнинг лойиҳаларини тайёрлашга кўмаклашиш;

республика вазирликлари ва идоралари, вилоятлар ҳамда туман ҳокимликлари билан миллий маҳсулотларни чет элга экспорт қилиш, экспорт қилувчиларни экспортни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар, мавжуд имтиёзлар ва преференциялар, ваколатли давлат органларининг вазифалари ва функциялари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашда тизимли ҳамкорликни таъминлаш;

ҳудудларда ахборот-маслаҳат марказлари тармоғини ташкил этиш;

маҳаллий экспорт қилувчилар, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизматлар базасини таъминлаш орқали электрон ташқи савдо майдончаларини юритиш, ишлаб чиқариш ва экспорт фаолияти билан шўгулланадиган тадбиркорлик субъектларига етакчи халқаро электрон тижорат майдончаларига кириш учун ёрдам кўрсатиш;

ишончли сифатли маҳсулот етказиб берувчи сифатида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ҳалоллигини исботлаш учун, шу жўмладан, ҳар йили “Made in Uzbekistan” миллий кўргазмасини, тармоқ ва минтақавий товарлар кўргазмалари ва савдо ярмаркаларини ўтказиш, халқаро кўргазмалар ва тақдимотларда иштирок этиш йўли орқали ўзбек брендлари ва маҳсулотларини хорижда илгари суриш бўйича “Made in Uzbekistan” дастурини амалга ошириш;

экспорт қилишни бошлаётганлар учун ўқув семинарлари ва тренинглар, тадбиркорлар учун хорижий мамлакатларга ташқи савдо масалалари бўйича савдо миссиялари ташкил этиш ва ўтказиш;

б) экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш қисмида:

экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлаш, ноҳомашё экспорт ҳажми, миллий экспорт қилувчилар ва уларнинг маҳсулотларини сотиб оладиган мамлакатлар сонини оширишга кўмаклашиш;

кўргазма стендларини ташкил этиш ва республика корхоналарининг халқаро савдо ярмаркалари, тақдимотлари ва реклама кампанияларида иштирок этиши, шу жўмладан, анъанавий миллий маҳсулотлар ва брендларни потенциал бозорларда илгари суришни молиялаштириш;

миллий маҳсулотларни хорижий ваколатли органлар томонидан расмийлаштирилиши орқали стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг ҳам республикадаги, ҳам хориждаги халқаро тизимларини жорий этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида экспорт қилувчи корхоналарга мақсадли молиявий ёрдам кўрсатиш;

молиявий қўллаб-қувватлаш ва миллий экспортни сўғурталашнинг замонавий механизмларини муваффақиятли қўллаган хорижий мамлакатлар тахрибасини инобатга олиб, шу жўмладан, халқаро молиявий институтларни жалб қилган ҳолда экспортдоли ва экспортни молиялаштириш, экспорт кредитлари ва таваккалчилигини сўғурталаш механизмларини жорий этиш;

савдони молиялаштириш учун халқаро ва хорижий молия институтларининг қарзлари ва имтиёзли кредитларини жалб қилиш;

бошқа комплекс молиявий ва консалтинг хизматларини кўрсатиш.

3. Белгилансинки, Экспортни қўллаб-қувватлаш миллий тизимининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

4. Ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Хўсусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси неғизида **Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигини** ташкил этиш;



Кулайлик

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республи-каси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори асосида Тад-биркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўр-сатиш ягона марказларининг Давлат хизма-тлари марказларига ўзгартирилгани энди-ликда “фуқаролар эмас, ҳўжжатлар ҳара-



катланади” тамойилини амалиётда кенг жо-рий этишда муҳим ўрин тутмоқда. Хўсусан,

давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг изчиллиги билан тақомиллаштирилгани инвестиция ва ишчанлик муҳитини янада яхшилаш, бизнесни ривожлантиришда им-коният эшикларини каттароқ очиб бермоқ-да. Энг муҳими, бу механизм ортўқча қоғоз-бозлик ва бюрократияни бартараф этишга хизмат қилапти.

Бир йил ичида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги

Навоий вилояти бошқармасининг туман ва шаҳар давлат хизматлари марказлари

Давлат хизматлари кўрсатиш
имконияти кенгаймоқда

орқали 70 дан ортўқ, тажриба тариқасида эса Зарафшон шаҳрида 100 дан зиёд давлат хизматлари кўрсатиш йўлга қўйил-ди, — дейди бошқарма бошлиги Баҳодир Тошев. — Шу асосда вилоятимиз бўйича ўтган давр мобайнида кўрсатилган хизмат-лар сони 134 мингтани ташкил этди. Шу-нингдек, ҳудуддаги барча давлат хизмат-лари марказлари инфокиосклар билан таъ-минланиб, олис ҳудудларда яшовчи аҳоли-га мобиль давлат хизматлари кўрсатиш учун барча туман, шаҳар давлат хизматлари мар-казларига махсус автотранспорт воситала-ри ажратилди. Бу ҳам иш самарадорлиги-ни оширишга катта туртки берди.

Кеча бошқарманинг янги биноси фойда-ланишга топширилди. Шу муносабат бил-лан бу ерда тантанали тадбир ташкил этил-ди. Бинода аҳолининг оғирини енгил қилиш, уларга кўрсатилаётган давлат хизматлари сифати ва турини янада ошириш учун бар-ча шарт-шароит яратилган.

Айни кўнларда Навоий шаҳри, Қонимех, Учқўдўқ, Қизилтепа ва Хатирчи туманлари-да ҳам шундай бинолар қурилмоқда.

**Темур ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**
Азамат ЗАРИПОВ олган сўрталар.

Дунё тан олаётган ташаббус



V. Хавфсизлик, миллатлараро
тотувлик ва диний
бағрикенгликни таъминлаш ҳамда
чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли
ва амалий ташқи сиёсат

хотирасига ҳўрмат ҳамда халқимиз хоҳиш-иродаси рўёби сифатида асос солинди. Демакки, бу даргоҳ ажодларимиз ва халқимиз орзу қилган масканлардан бири, десак, муболага қилмаган бўламиз.

Академия олдига қўйилган бака-лаврлар ва магистрлар тайёрлаш,

нимиз Мисрнинг Ал-Азҳар, Туркия-нинг Ибн Халдулн, Займ, Салжуқ, Кастамону, Қозогистоннинг Нур-Муборак, Индонезиянинг Жакарта Саҳид ва Султон Шариф Қосим, Риау давлат ислом университетла-ри, Буюк Британиянинг Кэмбриж ҳамда Марказий Осиё форуми би-

диний соҳада чуқур тадқиқотлар олиб борувчи илмий ҳамда илмий-педагог кадрларни диний ва дунё-вий таълим йўналишлари бўйича ўқитиш, республикадаги барча ис-лом таълим муассасалари фаолият-ини ўқув-меъёрий ҳамда ўқув-ус-лубий жиҳатдан мувофиқлаштириш, ислом динининг асл моҳиятини, унинг тинчликпарварлик ва эзгуликка асосланган-лини тарғиб этишга қаратилган. Зотан, тўғри талқин қилинган эъти-қод фақат тинчликни, одамлиликни улўғлайди.

Шўхрат ЁВҚОЧЕВ, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори: — Ўзга ғоялардан, ўзга мафку-ралардан халқни, айниқса, ёшлар-ни ҳимоя қилмаслик Ватан тақди-рини ўз ҳолига ташлаб қўйишдан бошқа нарса эмас. Хўсусан, мам-лакатимизда Президентимиз томо-нидан “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси ўртага ташланди. Бу борада қилинаётган ишлар эса жамият барқарорлиги учун муҳимдир.

Ўзбекистон халқаро ислом акаде-миясига ҳам муқаддас динимиз ис-ломнинг пухта ўрганиш, жамиятнинг тинчлиги ва тотувлиги қофолати бўлган бағрикенглик тамойиллари-ни шакллантириш, ажодларимиз

лан ўзаро англашув меморандум-ларини имзолади. Умуман айтганда, ушбу резолю-ция халқлар ўртасида тинчлик ва тотувлиқни таъминлашга хизмат қилади.

**Зайниддин ЭШОНКУЛОВ,
Самарқанд вилояти бош имом-хатиби:**

— Бўгун Ўзбекистон ривожла-нишининг янги босқичига қикди. Ёшларнинг онги, маърифатини, са-лоҳиятини ошириш, уларни ҳар то-монлама қўллаб-қувватлашга ало-ҳида эътибор қаратилаяпти. Чўнон-чи, буюк бобомиз Имом Бухорий ҳазратларининг ғоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, ислом маърифатини кенг ёйиш мақсади-да Самарқанд вилоятида Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-

тадқиқот маркази ташкил этилиши ҳам мамлакатимизда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш-даги амалий ишларнинг ифода-сидир.

Инсонлар қалбида маърифат, ўзаро ишонч, дўстлик туйғулари жой олмас экан, моддийётнинг қай да-ражадаги ривожланиш босқичига етилмасин, инсоният бир кўчи та-наззулга учраши инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат. Бу ҳақда олис ўтмишнинг тарих варақлари ҳами-ша бизни огоҳлантириб келади. Саводсизлик ва жаҳолат барҳам бериш, барчанинг таълим олиш ҳўқуқини таъминлашда ушбу ҳўқуқий ҳўжжатнинг аҳамияти юқори.

Бўгунги Ўзбекистон дунё бўйлаб бағрикенглик ва ўзаро ҳўрматли қарор топтириш, диний эркинлик-ни таъминлаш, эътиқод қилувчилар-нинг ҳўқуқини ҳимоялаш, уларнинг камситилишига йўл қўймаслик та-рафсиди ва бунга бор имконияти-ни ишга солиб ҳаракат қилади. Тинчлик, тараққийёт ва фаровонлик сари ҳамкорликни кенгайтириш йўлидан собит боради.

БМТ Бош Ассамблеясида мазкур резолюциянинг бир овоздан қабул қилиниши Президентимизнинг тур-ли миллат ва конфессиялар ўрта-сида ҳамкорлик, ўзаро ҳўрмат ҳамда бирдамлик муҳитини мустаҳ-камлаш, маданиятлараро мулоқот-ни қўллаб-қувватлаш ва асраш, юр-тимизда тинчлик ҳамда тотувлиқни таъминлашга қаратилган изчил ва пухта ўйланган стратегияси халқ-ро ҳамжамият томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганининг яна бир яққол тасдиғидир.

**«Халқ сўзи» мухбири
Омонулла ФАЙЗИЕВ ёзиб олди.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КЕНГАШИДАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши 2019 йилда бериладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларига тавсияномалар 2019 йилнинг 25 январигача қабул қилинишини маълум қилади.

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофотига қуйидаги талабларга жавоб берадиган ишлар қабул қилинади:

— республика фанини ривожлантиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилган ва халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлар, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ривожланишига кучли таъсир қилган кашфиёт, ихтиро ва илмий ишланмалар, жaxon миқёсидаги энг илгор стандартларга мос бўлган ва амалиётга катта самара билан жорий этилган янги техника ва технологиялар (биринчи даражали мукофот учун);

— республика фанининг муайян тармоқларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган ва хорижий мамлакатларда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлар, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатган ихтиролар, илмий ишланмалар, таълим муассасалари учун дарсликлар, илгор стандартларга мос бўлган ва ишлаб чиқаришга самарали жорий қилинган янги технологиялар (иккинчи даражали мукофот учун).

Адабиёт соҳасида Давлат мукофотига қуйидаги талабларга жавоб берадиган ишлар қабул қилинади:

— Ўзбек адабиётини ривожлантиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилган, кенг маданий жамоатчилик томонидан эътироф этилган, халқаро миқёсда миллий адабиётимизнинг обрў-эътиборини кўтаришга хизмат қилган юксак бадий савиядаги шеърй, насрий ва драматик асарлар, ўзбек адабиёти энг ноқир

асарларининг хорижий тилларга таржима-лари ҳамда адабиётшунослик йўналишидаги фундаментал тадқиқотлар (биринчи даражали мукофот учун);

— замонавий ўзбек адабиёти ривожда муносиб ўрин эгаллаган юксак савиядаги бадий ва публицистик асарлар, жaxon адабиётининг миллий маънавиятимизни бойитишга хизмат қиладиган етук асарларининг ўзбек тилига таржималари, адабиётшунослик соҳасидаги тадқиқотлар ҳамда адабиёт дарсликлари (иккинчи даражали мукофот учун).

Санъат ва меъморчилик соҳасида Давлат мукофотига қуйидаги талабларга жавоб берадиган ишлар қабул қилинади:

— республикада маданият, санъат ва меъморчиликни ривожлантиришга беқиёс ҳисса бўлиб қўшилган, кенг жамоатчилик томонидан ҳамда халқаро миқёсда эътироф этилган, энг юксак бадий савиядаги санъат ва меъморчилик асарлари (биринчи даражали мукофот учун);

— республикада маданият ва меъморчиликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган, кенг жамоатчилик ва ижодкорлар томонидан эътироф этилган, юксак бадий савиядаги санъат ва меъморчилик асарлари (иккинчи даражали мукофот учун).

Давлат мукофоти шахсий характерга эга ва қондага кўра битта шахсга берилади. Давлат мукофотига тавсия этилган ишда бир неча шахснинг ҳиссаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган тақдирдагина Давлат мукофоти муаллифлар жамоасига берилиши мумкин. Муаллифлар жамоаси беш кишидан ошмаслиги керак.

Бир неча шахслар томонидан бажарилган ишларни мукофотга тақдим этишда даъвогарлар жамоасига факат ишни бажаришда бевосита ижодий иштироки энг юксак даражада ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган асосий муаллифларгина киритилади. Муаллифлар жамоаси таркибига маслаҳатчилик, маъмурий ва ташкилий ишларни бажарган шахсларни киритишга йўл қўйилмайди.

Муаллифлар жамоаси таркибига вафот этган, лекин ишнинг бажарилишида кўшган ҳиссаси аҳамиятга эга бўлган шахслар ҳам киритилиши мумкин.

Давлат мукофотига ҳукуматнинг бошқа мукофоти билан ишлари тақдирланган муаллифлар ҳам истисно тариқасида тавсия этилиши мумкин.

Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотига кўрсатилаётган илмий тадқиқотлар, адабий ва бадий асарлар матбуотда эълон қилинган, техника ва технологиялар бўйича бажарилган ишлар ишлаб чиқаришга жорий этилган бўлиши керак.

Муслика, театр, кино, тасвирий ва бошқа хил санъат асарлари, концертлар, кўргазмалар, театрлар, радио ва телевидение орқали эълон қилинган, кенг жамоатчиликка таништирилгандан кейин, меъморчилик асарлари бўйича объектлар эса фойдаланишга топширилгандан сўнг бир йил ўтган тавсия этилиши мумкин.

Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотига тақдим этиладиган ҳар бир ишга тавсия этувчи ташкилот то-

монидан тавсиянома хати ёзилади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

— муаллиф (муаллифлар жамоаси учун — ҳар бир муаллиф)нинг фамилияси, исми ва отасининг исми (паспорт бўйича), туғилган йили ва жойи, яшаш манзили, ишлаш жойи ёки фаолият тури, илмий даражаси ва унвони (муаллифларнинг фамилиялари алифбо тартибида кўрсатилади);

— ишнинг номи;

— ишнинг тақдим этилишини асословчи натижалар, техник-иқтисодий кўрсаткичлар ва маънавий-маърифий аҳамияти, амалга оширилиш қўлами;

— унинг тугалланган, нашр қилинган, қурилган, жамоатчиликка кўрсатилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган вақти.

Тавсиянома хати тақдим этаётган ташкилотнинг раҳбари томонидан имзоланган бўлиши керак. Раҳбарнинг ўзи мукофотга даъвогарлар таркибига кирган ҳолатдагина хатни раҳбарнинг ўринбосари имзолайди.

Тавсиянома хатига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

— ишни тақдим этиш ҳақида, унинг номи, мукофотга даъвогарларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилган ҳолда муассаса илмий ёки илмий-техник кенгаши мажлисининг, вазирлик ҳаёятининг ва бошқа тегишли мажлислар баённомасидан кўчирма;

— ишнинг қаерда амалга оширилгани, вақти, салмоғи ҳамда унинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари, маънавий-маърифий жиҳатдан тавсифи қайд этилган ҳолда қисқача мазмуну (ҳажми 10 сакхифдан ошмаслиғи, муаллиф ёки муаллифлар томонидан имзоланиши керак).

Агар мукофотга тавсия этилган тадқиқот иши бюуртмага кўра бажарилган бўлса, бюуртмачи ташкилот бўйсунадиган вазирлик ёки идора раҳбарияти розилигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилиниши лозим:

— муаллифлар жамоаси томонидан бажарилган ишлар учун ҳар бир муаллифнинг ишга қўшган ижодий ҳиссаси аниқ кўрсатилган, ҳар бир муаллиф томонидан имзоланган ва нотариал тасдиқланган далолатнома;

— ҳар бир муаллиф учун 4х6 см. ўлчамли рангли фотосурат ёпиштирилган ходимларни ҳисобга олиш варақаси ҳамда маълумотнома (электрон варианты билан);

— қўшимча 4 дона 4х6 см. ўлчамли фотосурат ва паспорт нусхаси;

— илмий ишлар, адабий ва драматик асарлар, таржималар, дарсликларнинг нашрлари, машина ва механизмлар, янги материаллар, конструкциялар тавсифлари, ишлаб чиқаришга жорий этилган ишларнинг далолатномалари, қурилган иморатлар ва ихтироларнинг баёнлари, қўшимча чизма, схема, харита, фотоальбом ва макетлар, санъат асарларининг ёзма, овозли ёки видеоёзув, тасвир, ҳажмли-фазовий ва бошқа шаклларда чоп этилган нусхалари.

Эслатма: таълим муассасалари учун дарсликлар бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг ҳулосалари илова қилинади.

Мукофотга тавсия этилган иш ва унга оид ҳужжатлар уч нусхада топширилиши керак.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар нусхаларининг ҳар бир йўлмаси алоҳида жилдга солинади. Чоп этилган илмий, адабий, бадий асарлар ёки алоҳида

муқоваланган ишнинг баёнидан ҳам бир нусхадан жилдга солинади. Жилд устига ишни тақдим этувчи муассаса номи, ишнинг номи ва муаллиф(лар) фамилияси, исми ва отасининг исми тўлиқ ёзилади.

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофотларига тавсияномалар Кенгашнинг ишчи органи — Фанлар академияси томонидан, Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Давлат мукофотларига тавсияномалар Кенгашнинг ишчи органи — Маданият вазирлиғи томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига тақдим этиладиган ишларга қўйиладиган талаблар билан танишиш ва лозим бўлган ҳужжатларни тайёрлаш билан боғлиқ масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофоти бўйича: 100047, Тошкент шаҳри, Яхё Ғуломов кўчаси, 70-уй, 322-хона. Тел.: 71-233-59-46.

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти бўйича: 100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 30-уй, 308-хона. Тел.: 71-239-49-57, 71-244-65-97.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши.

Маҳаллий Кенгашларда

Депутатлардан фаоллик талаб қилинди

Тошкент вилоятининг Охангарон туманида айни пайтда аҳолини қўйнаётган муаммолар сони қанча? Бу саволга жавоб бериш анча мушкул. Ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни ва аҳолини қўйнаб келаётган муаммоларни ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи аъзолари жорий йилнинг 5 — 17 ноябрь кунлари тумандаги мавжуд 29 та маҳалла фуқаролар йиғинида уйма-уй юриб, жами 17 мингдан ортиқ муаммоларни аниқлади.

Бу ҳақда халқ депутатлари туман Кенгашининг сессиясида маълум қилинди. Аниқланган муаммоларнинг бир қисми жойларда барта-риф этилган. Йиғилишда депутатлардан мавжуд камчиликларни ўз вақтида ҳал этишда ташаббускорлик талаб қилинди.

Мисол учун, ўрганишлар давомида “Эйвалек” ва “Галлакудук” маҳалла фуқаролар йиғинлари тумандаги энг оғир ҳудуд эканлиғи ойдинлашди. Масалан, “Эйвалек” МФЙдаги 23 та кўп қаватли уйнинг 2 таси таъмирталаб, 3 таси эса бутунлай яроқсиз аҳволга келиб қолган. Уйлар марказлаштирилган сув таъминотига уланмаган. Сув қувурлари ва насослари эскирган. Маҳалла гузариди кутубхона мавжуд эмас, ижтимоий дорихона доимий фаолият юритмайди. Ишланган вақтида ҳам энг зарур дори-дармон воситалари билан етарлича таъминланмаган.

Бу каби камчиликлар “Галлакудук” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бор. Чорва фермаси, автомобиль тураргоҳи, стадион таъмир-талаб ҳолатда. Ҳудудни туман маркази билан боғловчи доимий транспорт қатнов-и йўлга қўйилмаган.

Сессияда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Туман аҳолисининг 41 фоизи марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминланган, холос. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 августдаги қарорига кўра, “Увак”,

“Ақча”, “Янги ҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 3 та артезиан қудуғини тозалаш, насослар ўрнатиш, 2-кўтарма насос станциясини, хлорлаш ускунасини қуриш белгиланган бўлса-да, бу топшириқлар ҳозирги кунга қадар бажарилмаган. “Гулобод”, “Шодмалек”, “Янги ҳаёт”, “Ойбулоқ” маҳалла фуқаролар йиғинидаги артезиан қудуқлардаги сув таркиби шўрланиб кетган. Уни тозалаш ишлари ханузгача олиб борилмаган.

117 нафар бола тарбияланаётган 8-сонли мактабга-ча таълим муассасасининг поли чириб кетган. Атрофи қаровсиз аҳволда. Муассасада спорт зали, изолятор, захира озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун ертўла йўқ, канализация ишламайди. Бу каби мисоллар йиғилиш давомида кўплаб келтирилди. Умуман, таълим, тиббиёт муассасаларидаги камчиликлар ҳам очик-ойдин танқид қилинди.

Ҳудди шундай масалалар халқ депутатлари Қўрай тумани Кенгаши сессиясида ҳам атрофлича ўрганилди. Муаммолар ва уларнинг ечимларига оид тақлифлар ўртага ташланди.

Йиғилишда Олий Мажлис Сенати Раиси Н. Йўлдошев иштирок этди.

Сессияларда маҳаллий Кенгаш депутатларининг туман ахли ҳаётига оид масалаларда фаоллигини, жонкуярлигини ошириш зарурлиғи таъкидланди.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Интилиш

Йилига 200 минг тонна цемент ишлаб чиқарилади

Оролбўйида фаолият юритаётган замонавий корхоналар сони яна биттага ортди. Қораўзақ туманида цемент ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Титан цемент” масъулияти чекланган жамияти фойдаланишга топширилди.

— Ушбу лойиҳага 200 мил-лиард сўм жалб этилди, — дейди корхона раҳбари Утемурад Панаев. — Энди йилгига 200 минг тонна цемент ишлаб чиқариш имкониятига эгамиз. Корхонада 146 нафар маҳаллий ёшнинг бандлиғи таъминланди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Саломатлигимиз учун, аввало, ўзимиз масъулмиз

Президентимизнинг кейинги икки йилда соғлиқни сақлаш соҳасига оид 50 та Фармони, қарори ва фармойиши қабул қилинди. Мазкур тизимни тубдан тақомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланиб, уни янада ривожлантиришга оид концепция тасдиқланди.

Сенатор мушоҳадаси

Дарҳақиқат, соҳада ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам жуда кўп. Булардан бири, бевосита, юқумли бўлмаган касалликлар ва уларни келтириб чиқарувчи омилларнинг олдини олиш билан боғлиқ.

Бугун турмуш шароитимиз тобора яхшиланиб, транспорт, алоқа, ижтимоий ва иқтисодий инфратузилмалар тақомиллашти- бормоқда, қундалик ҳаётимизга энг замонавий ахборот техноло- гиялари кириб келяпти. Пиро- вардида иш унумдорлиғи, нати- жадорлиғи, сифат кўрсаткичла- ри ошиб бораётир.

Лекин шу ўринда, ўзимизга “Мен соғлиғимга етарлича эъти- бор беряпманми?”, “Фарзандла- рим баркамол бўлиб воғга ети- ши учун нима қилишим керак?” деган саволларни беряпмизми?! Афсуски, йўқ.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 18 декабрдаги “Юқум- ли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаол- лиғи даражасини ошириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги қаро- ри шу каби саволларни ўзимиз- га ҳар кун беришга ундайди.

Бор-йўғи бир нечта рақамлар-

ни келтириб ўтсак. Иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, сайёрамизнинг 18 ёш ва ундан юқори бўлган 23 фоиз ҳамда 11 ёшдан 17 ёшгача бўлган 81 фоиз аҳолиси умрини камҳаракатлилиқда ўтказмоқда. Ваҳолонки, ушбу ташкилот тавсиялари бўйича 5 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ҳар кун камиди 60 дақиқа, ўрта ва ундан юқори ёшдагилар ҳафтасига камиди 150 дақиқа фаол ҳаракатда бўлиши лозим.

турмуш тарзини қўллаб-қувват- лаш ва жисмоний фаоллигини ошириш марказини, вилоят, ша- ҳар, туманлар миқёсида эса мар- казининг ҳудудий бўлиmlарини ташкил этиш кўзда тутиляпти.

Муассаса фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида нотўғри овқатланиш билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва тарқалиши даражасини камайитириш этиб белгилангани, шубҳасиз, аҳоли саломатлигини мустаҳ-

камлашда муҳим аҳамиятга эга. Инсоннинг соғлом овқатлани- шиға бу билан боғлиқ барча жа- раён — озиқ-овқат маҳсулотла- рининг сифати, ошоналарнинг ва ошпаз томонидан тайёрланаётган маҳсулотнинг санитария қоидала- ри ҳамда меъёрлари талаблари- га жавоб бериши, овқатланиш жойларида яратилган шарт- шароитлар таъсир ўтказади.

Аммо қўимтаимз томонидан олиб борилаётган ўрганишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, республикаимизнинг 6 минг 329 та мактабиди мавжуд ошоналар ке- ракли асбоб-ускуналар билан таъминланмаган. Биргина Сирдарё мисолида мавзуга оид таҳлилларни кўрадиган бўлсак, вилоят мактабларининг деярли ярмида ошоналар умуман йўқ. Уларнинг аксариятида иссиқ овқат таъминоти йўлга қўйилма- ган. 54 фоизиди эса ҳатто, тиббиёт хонаси ишламайди.

Ишонамизки, қарорда белги- ланган вазифаларнинг ижроси натижасида аҳолининг тиббий маданияти янада ошади. Зарар- ли одатларга қарши курашиш, жисмоний тарбия, соғломлашти- риш ҳаракатининг тиббиёт про- фильактисига билан интеграция- лашуви юзюга келади, бу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш ти- зими йўлга қўйилади.

камлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ишонимизки, қарорда белги- ланган вазифаларнинг ижроси натижасида аҳолининг тиббий маданияти янада ошади. Зарар- ли одатларга қарши курашиш, жисмоний тарбия, соғломлашти- риш ҳаракатининг тиббиёт про- фильактисига билан интеграция- лашуви юзюга келади, бу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш ти- зими йўлга қўйилади.

Мазкур муурожаатга асосан ўтказилган тез- лор тадбирда судья З. И. фуқаро М. Э.нинг Урганч туманида жой- лашган тураржойига нисбатан мулк ҳуқуқини белгиллаш бўйича низоли масалани раҳбарлар билан гапллаши, унинг фойдасига ҳал қилиб

Зайниддин НИЗОМХЎЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.

Қилмиш-қидирмиш

Судьяга нисбатан жиноят иши қўзғатилди

Хоразмда пора эвазига суд қарорини бир томон фойдасига чиқариб бермоқчи бўлган судьяга нисбатан жиноий иш очилди. Бу ҳақда Бош прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими хабар берди.

Жорий йилнинг 11 де- кабрь кунн фуқаро М. Э. Хоразм вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлариға мурожаат этади. Ари- зада фуқаролик иш- лари бўйича Урганч ту- манлараро судининг судьяси З. И. турар- жойга нисбатан мулк ҳуқуқини белгиллаш бўйича низоли масала- ни хал қилиши эвази- га 12 минг АҚШ дол- ларини пора тариқаси- да талаб қилаётганли- ги баён этилиб, унга нисбатан қонуний ҳо- ра кўриш сўралган.

Мазкур муурожаатга асосан ўтказилган тез- лор тадбирда судья З. И. фуқаро М. Э.нинг Урганч туманида жой- лашган тураржойига нисбатан мулк ҳуқуқини белгиллаш бўйича низоли масалани раҳбарлар билан гапллаши, унинг фойдасига ҳал қилиб

бериш эвазига унинг ишончли вакили А. Эдан 12 минг АҚШ долларн олган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимла- ри томонидан ушланган. Ўтказилган тадбир юзасидан тўпланган ҳужжатлар асосида 2018 йил 14 декабрь кунн фуқаролик иш- лари бўйича Урганч ту- манлараро судининг судьяси З. И.га нисба- тан “Судлар тўғриси- да”ги Ўзбекистон Рес- публикаси Қонунининг 70-моддасига мувофиқ, Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзға- тилган. Ҳозир мазкур иш бўйича Хоразм ви- лояти прокуратураси томонидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Р. ОТАМУРДОВ тайёрлади.

Миллий марказ:

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолият мувофиқлаштирилади



Кейинги йилларда инсон қадр-қимматини эъозлаш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан ушбу йўналишдаги ишлари бевосита назорат қиладиган, тартибга соладиган, ўрганадиган ва бошқа давлат органларидан мутлақо мустақил бўлган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ўз ишини янгича услубда олиб борадиган бўлди.

Марказ директорининг таъкид- лашича, ушбу муассаса юртимиз- да фаолият кўрсатаётган барча давлат органлари, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора- ларнинг инсон ҳуқуқлари соҳа- сидаги фаолиятини мувофиқлашти- ради.

Яна бир муҳим жиҳат, Миллий марказнинг бошқа органлардан тўла мустақил орган сифатидаги ваколатлари қарор билан кафо-

сабй-ҳаракатларни амалиётга та- тбиқ этиш борасида марказга яна- да кўпроқ имкониятлар берилди. Ҳужжатга мувофиқ, Миллий марказ давлат органи макомига тенглаштирилди. Табиийки, унинг олдиға қўйиладиган вазифалар ҳам ўзгарди.

латлаб қўйилди. Энди у ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис пала- талари, Вазирлар Маҳкамасига инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбе-



Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддаси.

кисмоннинг халқаро мажбурият- ларга амал қилиш ҳолати юзаси- дан ахборот тақдим этиб боради. Халқаро майдонда эса Ўзбекис- тон номидан гапириш ваколатига эга бўлади.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи, табиийки, биринчи гал- да ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятига бевосита дахлдор бўлиб, Президент қарориди халқ-

этиб белгиланди. Яъни марказ билан доимий ҳамкорлик қилиш, унинг талабига кўра инсон ҳуқуқлари соҳасида тегишли ах- борот ва статистик маълумотлар- ни тақдим этиш учун энди давлат органи ҳамда идоралари ўзлари- нинг масъул тузилмалари ва ман- сабдор шахсларини тайинлаб қўйишлари керак бўлади.

— Мазкур қарор Миллий мар-

каз билан ИИВ ва бошқа ҳуқуқ- тартибот идоралари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлай- ди, — дейди ИИВ Ташкилий де- партаменти бўлими бошлиғи Зафар Ғузиев. — Бунинг натижа- сида ички ишлар тизимида амал- га оширилаётган ислохотларнинг шаффофлиғи таъминланади.

Шунингдек, эндиликда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажариш бўйи- ча миллий маъруза лойиҳалари парламентнинг ҳар иккала пала- тас

Спорт

Параолимпия ўйинлари
совриндорлари
қандай мукофотга эга бўлди?

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 6 — 13 октябрь кунлари Индонезиянинг Жакарта шаҳрида III Параолимпия ўйинлари бўлиб ўтди. Ана шу нуфузли мусобақада вакилларимиз ҳар қачонгидан-да, муваффақиятли иштирок этиб, жами 77 та — 35 та олтин, 24 та кумуш ва 18 та бронза медалларни қўлга киритди. Бу орқали Ўзбекистон Параолимпия ўйинларида медаллар сифати ҳамда сони бўйича ҳам ўз рекордини янгилади.



Кеча Олимпия шон-шухрати музейида музаффар спортчиларимизни тақдирлаш маросими ўтказилди.

Тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёев фармоишига биноан, олтин медаль соҳиблари 5 000, кумуш медалга эга чиққан атлетлар эса 2 000 АҚШ доллари миқдоридagi пул мукофоти билан тақдирланди. Совриндор спортчиларнинг мураббийлари ҳам мазкур ҳужжатга мувофиқ (олтин 2 500, кумуш 1 500, бронза 1 000 АҚШ доллари) мукофотга сазовор бўлишди.

Маросим давомидида енгил атлетикачиси Хусниддин Норбеков, сузиш бўйича

терма жамоамиз аъзоси Фотимахон Амилова ҳамда дзюдо бўйича мураббий Хасан Қосимов сўзга чиқиб, кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликдан беҳад мамнун эканликларини, 2020 йилда Токиода ўтказиладиган Паралимпия ўйинларида Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлаб, юртимиз байроғини юксакларга кўтаришга ваъда беришди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А. Абдувахитов иштирок этди.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ.

Динара ЧИРКОВА олган сурат.

Байрам дастурхонига
арзон ноз-неъматлар

Жумладан, “Кўйлик деҳқон бозори” акция-

дорлик жамияти ҳудудида савдо-ярмаркаси учун 300 квадрат метр атрофида жой ажратилган.

Бир қатор вилоятлар деҳқонлари, фермерлар,

асаларичилар ҳамда тадбиркорлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

— Биз пойтахт аҳолиси-га 1440 тонна маҳсулот етказиб бермоқчимиз, — дейди Наманган вилояти кишлқ хўжалиги бошқар-

маси вакили Фозилжон Алиматов. — Ушбу ноз-неъматлар жадвал асосида бозорга келтирилиб, одатдагидан 20 — 25 фойз арзон нархларда сотилапти. Бундан ташқари, вилоятимиз вакиллари Бектемир тумани аҳлига ҳам шундай хизмат кўрсатишаётир.

Айтиш жоизки, киш фасли бўлишига қарамасдан, ярмаркада тақдим этилаётган маҳсулотлар сифати жуда яхши. Бу эса шаҳар аҳлига деҳқону боғбонларнинг ўзига хос байрам тухфаси бўлмоқда.

Республикаимизнинг барча ҳудудида уюштирилган бундай ярмаркалар 2019 йилнинг 5 январига қадар давом этади.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Ғамхўрлик

Янги йил
янги уйларида
кутиб олинади

Булунгур туманида уй-жойга муҳтож, ногиронлиги бўлган 11 нафар фуқарога Булунгур ва Ғўбдин маҳаллалари ҳудудида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уйлар берилди.

Самарқанд туманида 5, Пастдарғом туманида 13, Жомбой туманида 10 нафар ногиронлиги бор шахс ҳам янги хонадонларга эга бўлди. Шу муносабат билан ташкил қилинган тадбирларда сўзга чиққанлар Янги йилни янги уйларида кутиб олиш катта бахт эканини эътироф этишди.

Умид СОРИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОН

Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами
1.	«УАЗ - 3151412»	1996 й.	90 432 AAA	0031394
2.	«УАЗ - 3151412»	1996 й.	90 459 AAA	0031399
3.	«УАЗ - 31514»	1996 й.	90 427 OAA	0031398
4.	«УАЗ - 31514»	1996 й.	90 446 AAA	0031396
5.	«УАЗ - 31514-012»	1996 й.	90 426 OAA	0031397
6.	«УАЗ - 31514»	1996 й.	90 453 AAA	0032841
7.	«УАЗ - 31514-012»	1996 й.	90 428 OAA	0031400
8.	«УАЗ - 31514»	1997 й.	90 425 OAA	0031395
9.	«УАЗ - 31514»	2001 й.	90 437 AAA	0032557
10.	«Daewoo Prince»	1996 й.	90 445 AAA	0031905

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ

МАЖБУРИЙ ИЖРО БҮРОСИНИНГ

«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК

онлайн-аукцион савдоларига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Хоразм вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган 264/2018-09-сонли шартномага асосан, <https://www.e-auksion.uz> электрон манзилдаги электрон савдо майдончасида 2019 йил 11, 15, 16 ва 17 январь кунлари ўтказиладиган очик аукцион савдоларига «Республика инкассация хизмати» ДУК Хоразм вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами
1.	«УАЗ - 3151412»	1996 й.	90 432 AAA	0031394
2.	«УАЗ - 3151412»	1996 й.	90 459 AAA	0031399
3.	«УАЗ - 31514»	1996 й.	90 427 OAA	0031398
4.	«УАЗ - 31514»	1996 й.	90 446 AAA	0031396
5.	«УАЗ - 31514-012»	1996 й.	90 426 OAA	0031397
6.	«УАЗ - 31514»	1996 й.	90 453 AAA	0032841
7.	«УАЗ - 31514-012»	1996 й.	90 428 OAA	0031400
8.	«УАЗ - 31514»	1997 й.	90 425 OAA	0031395
9.	«УАЗ - 31514»	2001 й.	90 437 AAA	0032557
10.	«Daewoo Prince»	1996 й.	90 445 AAA	0031905

Автотранспортлар сақланаётган манзил:
Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 29-«А» уй.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш — «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда руйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

11102/560

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан руйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 71 717 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;

Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz

Таҳриратга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг тўққиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер терминали ҳамда оператор А. Исмомов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.30 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5 6



Юртимизга шу йилнинг ўтган даврида 5 миллионга яқин хорижлик сайёҳлар таширф бўурди. Бу Президентимиз ташаббуси билан туризм соҳаси тубдан ислоҳ қилиниб, виза бериш тартибининг соддалаштирилгани, электрон виза тизими жорий қилингани, инфратузилма, хизмат кўрсатиш сифати яхшиланаётгани туфайлидир.

Саидакбархон АҚБАРОВ,
Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси
раиси ўринбосари вазифасини бажарувчиси:

— Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида белгилаб берилган вазифаларнинг ўз вақтида изчиллик билан амалга оширилб келинаётгани бугун кутилган натижаларни бераётди. Чунки мазкур ҳужжат асосида мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги мавжуд ғов-тўсиқлар олиб ташланиб, фойдаланилмаётган имкониятлар ишга солинмоқда. Ўзбекистонга кириш визаси соддалаштирилгани, электрон рўйхатга олиш тизими йўлга қўйилгани бунга мисол бўла олади.

Шунингдек, халқаро аэропортларда чегара ва боғхона постлари назорат тизимида қўшимча қулайликлар яратилди. Натижада жорий йилнинг 11 ойи мобайнида юртимизга таширф буюрган хорижий сайёҳлар сони 4,9 миллион кишини ташкил этди.

Алдарази Мухаммад Ҳасан
ИБРОҲИМ,
сайёҳ (Саудия Арабистони):

— Илгари виза олиш борасидаги мураккабликлар туфайли Буюк Ипак йўлида жойлашган юртингизга келолмаган эдик. Кейинги икки йилдаги ўзгаришлар туфайли Ўзбекистон дунёга бағрини очмоқда.

Муқаддас қадамжолар, тарихий обидаларга бой қадимий шаҳарларни томоша қилиб олам-олам завқ олдим. Айниқса, Хива бизни ўзига буткул ром этди. Очик осмон остидаги музейга саёҳатимиз анъанавий «Ковун сайли» байрамига тўғри келди. Қовунлар шунчалик мазалики, таърифлашга тил ожиз. Келгусида юртингизга яна келишга қарор қилдим.

Толиб ЖАҲОНГИРОВ,
Самарқанд шаҳридаги «Shaherezada Sam Star Tour» МЧЖ директори:

— Самарқанд, шубҳасиз, дунёдаги энг гўзал шаҳарлардан биридир. Бу ерга келаётган сайёҳлар ўзларини худди эртақлар оламига тушиб қолгандек ҳис қилишганини айтишади. Шундай ёрқин таассуротларни, илиқ муносабатни эшитганда фахрланиб кетаркансан.

Туризм индустриясини ривожлантиришга бўлган эътибор, айниқса, виза тизимидаги енгилликлар Самарқанд вилоятининг ҳам сайёҳлик имкониятини тобора кенгайтирмоқда. Жорий йилнинг

11 ойида худудимизга 1 миллион 912 мингга яқин маҳаллий, 291 мингдан ортиқ хорижий сайёҳлар таширф буюргани шундан далолат беради. Бунда жамоамизнинг, оз бўлса-да, ҳиссаси бор.

Кейинги пайтда эиёрат туризми тобора ривожланмоқда. Келаётган меҳмонларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида 2018 йилнинг ўзида 800 ўринга эга 15 та замонавий меҳмонхона қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Юртимизга жорий йилнинг 11 ойида

4 900 000

хорижий сайёҳ
таширф бўурди.

Бу 2017 йилдагига
нисбатан

2 400 000 нафар кўп
дегандидир.

Ушбу кўрсаткич йил якунлари бўйича

5 000 000 дан

ошиши кутилаётир.



Ёш тадбиркорлар форуми



Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда хорижлик мутахассислар, экспертлар, бизнес соҳаси вакиллари, Давлат дастури доирасида имтиёзли кредит олган юздан ортиқ ёш ишбилармонлар қатнашди.

Ёш тадбиркорлар маҳсулотлари кўргазмасида хунармандчилик, қандолатчилик, енгил саноат, кишлқ хўжалиги ва хизмат кўрсатишнинг турли йўналишларида фаолият олиб бораётган йигит-қизлар ўз маҳсулотларини намойиш этди. Улар орасида хитойлик 30 дан зиёд ишлаб чиқарувчи ҳам бор.

— Юртингизга келишимиздан мақсад, аввало, Ўзбекистоннинг иқтисодий шароитини, савдо алоқаларини ўрганиш, — дейди «Чжунъя Синьлу» компанияси бош менежери Цзи Сяонань. — Тадбир мобайнида жамоатчиликни корхонамиз фаолияти билан таништирдик. Биз автотомобиллар ва мотоцикллар учун батареялар ишлаб чиқарамиз. Ушбу кўргазмага ўз маҳсулотларимиздан намуналар олиб келдик. Ўзбекистонда уларнинг савдоси бўйича ишончли ҳамкорлар топдик.

Ёшлар орасида асаларичилик, қуёнчилик, балиқчилик, чинни буюмлар, қурилиш моллари ишлаб чиқариш каби истиқболли тадбиркорлик йўналишлари билан шуғулланаётганлар ҳам талайгина экани диққатга сазовор.

Ошхона хижозлари ишлаб чиқарувчи корхонамиз 2013 йилда ташкил топган. Дастлаб тўрт нафар ишчи билан фаолият бошлаганмиз, — дейди фарғоналик ёш тадбиркор, «Мунис фэйзли мебеллари» МЧЖ директори

Аҳлиддин Фахриддинов. — Жамғармадан кредит олиб, фаолият йўналишларимизни кенгайтирдик. Натижада яна қирқта иш ўрни яратилди. Ҳозир меҳмонхоналар, хонадонлар учун мўлжалланган турли замонавий шакл ва қулайликларга эга мебеллар ишлаб чиқаряпмиз. Янги йилда



жамғармадан яна кредит олиб, эшик ва ромлар тайёрлашни ҳамда яна ўн битта қўшимча иш ўрни яратишни режалаштирганмиз.

Форум доирасида Ўзбекистон — Хитой савдо уйи ҳамда Ўзбекистон — Россия ёшлар бизнес инкубатори иштирокчилари билан келишувлар ва шартномалар имзоланди.

Юлдуз ЎРМОНОВА.

Динара ЧИРКОВА олган суратлар.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси